

ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА



“ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШНИНГ УМУМЕВРОПА КОМПЕТЕНЦИЯСИ: ЎРГАНИШ, ЎРГАТИШ, БАҲОЛАШ”. 3-БОБ: ТИЛНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИ

3.1 Тилни билиш даражаси дескрипторларни танлаб олиш мезонлари

«Умумеуропа компетенциялари»нинг вазифаларидан бири мазкур стандартлар, тест ва имтиҳонлар хорижий тилларни билишни тавсифлашда ҳамкор мамлакатларга ёрдам беришдан иборат. Бу турли хил сертификация тизимини қиёслашни енгиллаштиради. Ушбу мақсад йўлида тилни билиш даражалари ва уларни тавсифлаш тизими ишлаб чиқилган. Ушбу иккита мажмуа биргаликда ҳар қандай сертификация тизимини тавсифлаш учун қўллаш мумкин. Даражалар шкаласи бунда тўртта мезонга жавоб бериши лозим. Улардан иккитаси тавсифлаш учун, иккитаси ўлчов тизими учун жавоб беради.

Тавсифлаш мезонлари

- Даражаларнинг умумий тизими аниқ бир таълимий контекстга боғлиқ бўлиши керак эмас. Масалан, у фақатгина мактаб учун ишлатилиб, кейин эса катта ёшдагилар учун қўлланилмаслиги ёки аксинча бўлмаслиги керак. Шу билан биргаликда дескрипторлар маълум бир контекстга, яъни таълим ва тил ўрганишнинг мақсади ва мазмуни билан мос келиб, аниқ шароитда ўрганилиши лозим. Бу ушбу мамлакатда тил ўрганиш учун ишлаб чиқилган асосий параметрлар, таълим олувчилар билимларидан фойдаланиш таълим олувчиларнинг кўникмаларини тавсифлаш зарур.

Тавсиф тил назарияси ва тилни билишга асосланиши лозим. Бу қийин вазифа бўлиб, чунки мавжуд назарий билимлар ва амалий тадқиқотлар ушбу тавсиф учун асос бўла олмайди. Шундай бўлсада, категориялаш ва тавсифлаш назарий жиҳатдан асосланган бўлиши шарт. Шу билан

биргаликда ушбу тавсиф ўқитувчилар учун аниқ ва тушунарли бўлиши лозим. Бу нарса тил компетенциясини аниқлаштиришда таълим контекстининг ролини кўрсатишни тақозо этади.

Ўлчов тизими

- Тил билиш дескрипторларни даражалаш албатта назарий асосга эга бўлиши керак. Бу асосланмаган қабуллар ҳамда аниқ бўлмаган усуллар ва тизимли хатолардан қочиш имконини беради.

- Қабул қилинган даражалар сони таълим олувчилар муваффақиятини объектив акс эттирилишига етарлидир. Ҳар бир аниқ контекстда даражалар сони улар орасидаги фарқлар сонидан ошиб кетмаслиги лозим. Бундай талаб икки босқичли тизимни ишлаб чиқишда турли даражадаги градацияларни қўллаш заруратини келтириб чиқаради: кенг (умум қабул қилинган, конвенционал) ва анча тор (маҳаллий, таълимий).

Ушбу мезонларни бажариш қийин, аммо улар орқали осон тил ўрганишни ташкил этиш мумкин. Уларни бажариш калити бўлиб ҳиссий, миқдор ва сифат усулларининг қўшилмаси бўлиши мумкин. Бундай ёндашув тубдан ҳиссий методлардан фарқ қилади.

Мазкур ёндошув одатда хорижий тилларни билиш даражаларини ишлаб чиқишда анъанавий тарзда қўлланиладиган соф интуицияга асосланган услублардан тубдан фарқ қилади. Интуицияга асосланган услублар ва жамоавий ишланмалар маълум бир контекстдаги даражалар тизимларини ишлаб чиқишда самарали бўлиши мумкин, аммо даражаларнинг кенг қамровли тизимларини ишлаб чиқишда уларда маълум бир камчиликлар кўзга ташланади. Интуицияга асосланган ёндошувнинг асосий камчилиги шундаки, унда таърифлар ҳам, у ёки бу даражага мансуб деб ҳисоблаш ҳам субъектив характерга эга бўлади. Иккинчидан, турли секторлардаги шкалаларни ишлаб чиқувчилар, фойдаланувчилар ўз ўқувчилари эҳтиёжларининг ўзига хосликларидан келиб чиқиб тил компетенцияси борасида турлича тасаввурга эга бўлишлари мумкин. Ўлчов шкалалари худди матн сингари ўзлари самарали бўлган контекслардагина қўлланилиши мумкин. Шкаланинг самарадорлигини аниқлаш – миқдорий таҳлилни ҳам ўз ичига олади – давомли ва назарий жиҳатдан туганмас жараён. Шу боис даражалар тизимларини ишлаб чиқиш услубияти ҳамда дескрипторларни саралаш мезонлари қатъий тарзда белгилаб қўйилган. Интуицияга асосланган, миқдорий ва сифат услубларининг комплекс уйғунлигидан фойдаланилган. Биринчи галда, баҳолашнинг мавжуд шкалалари таҳлил қилинди ҳамда

“Умумевропа компетенциялари” доирасида қабул қилинган таърифлаш категориялари билан солиштириб чиқилди. Сўнгра, интуицияга асосланган ҳолда мазкур материаллар экспертлар томонидан таҳрир қилинди, янги дескрипторларга таъриф берилди ва тасдиқланди. Кейинги босқичда сифат услублари ёрдамида танлаб олинган дескриптив категорияларни тил ўқитувчилари томонидан қўлланилиши имконияти ҳамда категориялар ва дескрипторлар ўртасидаги муносиблик аниқланди. Ниҳоят, танлаб олинган дескрипторлар миқдорий услублар ёрдамида даражаларга бўлиб чиқилди. Даражага бўлишнинг аниқлиги такрорий таҳлиллар ёрдамида текшириб кўрилди.

Иловаларда хорижий тилларни билиш даражаси тизимларини ишлаб чиқиш ва даражаларга бўлиш билан боғлиқ бўлган техник масалалар кўриб чиқилади. А илова ўқувчиларни шкалалар ва шкалаларни даражаларга бўлиш билан таништиради, ҳамда дескрипторларни ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин бўлган услубларнинг таърифи келтирилади. В иловада Швейцария миллий илмий-тадқиқот кенгаши томонидан амалга оширилган ва таълимнинг турли босқичлари учун тил билиш даражалари ва уларнинг дескрипторларини ишлаб чиққан лойиҳа қисқача баён этилган. С ва D иловалар ўқувчиларни ўхшаш услублар асосида катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг тил билиш даражасини баҳолаш учун дескрипторлар тизимини ишлаб чиққан ва синаб кўрган иккита ўзаро боғлиқ Европа лойиҳалари билан таништиради. С илова DIALANG лойиҳасига бағишланган. Кенг миқёсда қўллаш учун баҳолаш воситаси сифатида DIALANG “Умумевропа компетенциялари”даги ўз ўзини баҳолаш дескрипторларини ривожлантирган ва мослаштирган. D иловада ALTEнинг “Мен биламан” лойиҳаси (тил бўйича тестлар ишлаб чиқувчиларнинг Европа ассоциацияси лойиҳаси) баён этилган. Мазкур лойиҳа доирасида “Умумевропа компетенциялари” категорияларига мос келадиган сезиларли миқдордаги дескрипторлар ишлаб чиқилган ва текшириб кўрилган. Мазкур лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган дескрипторлар тизими “Умумевропа компетенциялари” тизимини тўлдиради, чунки у катта ёшдаги фойдаланувчилар учун аҳамиятли бўлган соҳаларда тилдан фойдаланиш учун яратилган.

Иловаларда баён этилган лойиҳалар тасвирий дескрипторлар шкалаларига киритилган даража ва концептлар ўртасидаги сезиларли ўзгаришликни намоён этиб беради. Шундай қилиб, ишланмаларнинг сони кўпайиб бораётганига таяниб, юқорида баён этилган мезонлар қисман бўлсада қўлланилаяпти, дейишга асосимиз бор.


3.2 Тил билиш даражалари тизими

Бизнинг тасаввуримизча, амалда тил ўрганиш ва уни билиш даражасини баҳолаш жараёнини ташкил этиш учун ажратилган босқичлар сони масаласида амалда яхлит бўлмасида, маълум бир келишув мавжуд. Бизнингча, ўз ичига олтига йирик даражани олган тизим европалик ўқувчилар учун етарли ҳисобланади:

- **«Жон сақлаш даражаси»**, Уилкинс ўзининг 1978 йилги маърузасида “бошланғич компетенция”, Трим эса ўга ҳужжатда “кириш даражаси” деб атаган даражага мос келади;
- **«Бошланғичгача бўлган»**, Европа Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган таснифлар рўйхатини акс эттиради;
- **«Бошланғич»**, Европа Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган таснифлар рўйхати;
- **«Бошланғич ривожланган»**, Европа Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган таснифлар учинчи рўйхатни акс эттиради, ҳамда Уилкинс томонидан “чекланган тил компетенцияси”, Трим эса “одатий ҳолатларга мос муносабат билдириш” деб атаган;
- **«Профессионал билиш даражаси»**, уни Трим “самарали билиш”, Уилкинс эса “мос келадиган тил компетенцияси” деб атаган, ҳамда тил билиш компетенциясининг ривожланган даражасини англатади ва нисбатан анчагина мураккаб бўлган ишларни бажариш ва ўқув масалалари учун мос келади;
- **«Мукамал билиш даражаси»**, (Тримга кўра «кенг қамровли маҳорат», Уилкинсга кўра эса «кенг қамровли тил компетенцияси»). Мазкур даража ALTE(тил бўйича тестлар ишлаб чиқувчиларнинг Европа ассоциацияси) доирасида қабул қилинган тизимдаги олий имтиҳон мақсадларига мос келади. Мазкур даража одатда тил ўқитувчилари томонидан тилни билиш доирасидан четга чиқадиган маданиятлараро мулоқот компетенциясини киритиш ҳисобига кенгайтирилиши мумкин.

Шу билан бирга, мазкур олтига даражани кўриб чиқишда улар ўз ичига базавий, ўрта ва ривожланган даражаларни оловчи классик уч босқичли тизимда нисбатан паст ва юқори ост даражаларни олишини ҳам кўриш мумкин. Бундан ташқари, Европа Кенгаши айрим даражаларга берган номлар

таржима қилиш учун қийин бўлиб чиқди (масалан, *Waystage* – Бошланғичгача бўлган, *Vantage* – Бошланғич ривожланган). Шу боис, куйидаги таклиф этилаётган схема босқичма босқич тармоқланиш принципига асосан тузилган. У даражалар тизимини учта катта даражага - А, В ва С га бўлишдан бошланади:



а) *Жон сақлаш даражаси* В) *Бошланғичгача бўлган даража* С) *Бошланғич даража*
 а) *Бошланғич ривожланган даража* В) *Профессионал билиш даражаси*
 С) *Мукаммал билиш даражаси*

3.3 Тил билиш даражаларни акс эттириш

Тил билиш даражаларининг умумевропа тизимининг жорий этилиши турли педагогик жамоаларнинг таълим бериш бўйича ўз даража ва модуллар тизимларини ишлаб чиқиш ва баён этиш имкониятларини чекламайди. Шунингдек, лойиҳада иштирок этаётган давлатларда вақт ўтиши билан тўпланадиган тажрибадан келиб чиқиб, даражалар тизимлари ва дескрипторларнинг таърифлари ўзгариши мумкинлиги кутилади.

Шунингдек, даражалар тизими аниқ мақсадлардан келиб чиқиб, турли усулларда акс эттирилиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Айрим ҳолларда таклиф этилаётган олти даражанинг ҳар бири учун параграф шаклидаги яхлит дескрипторларни тузиш мумкин, улар даражалар тизимидан мутахассис бўлмаган шахсларнинг фойдаланишини осонлаштиради, шунингдек ўқитувчилар ва ўқув дастурларини тузувчилар учун раҳбарий кўрсатма бўлиб хизмат қилади.

1-жадвал.

Тил билиш даражалари: умумий шкала

Эркин билиш	C2	Деярли ҳар қандай оғзаки ёки ёзма хабарни тушунаман, бир нечта оғзаки ва ёзма манбаларга таянган ҳолда ўзаро боғланган матн туза оламан. Юқори темпда ва юқори даражадаги аниқликда, хатто энг мураккаб ҳолатларда ҳам маъноларга урғу берган ҳолда эркин
-------------	----	---

		гапираман.
	C1	Турли мавзудаги кенг қамровли мураккаб матнларни тушунаман, яширин маънони англайман. Юқори темпда сўз ва жумла танлашда қийналмасдан гапираман. Илмий ва касбий фаолиятимда тилдан самарали фойдаланаман. Матн тузиш моделларини, алоқа воситаларини ҳамда унинг элементларини бирлаштиришни эгаллаганлигимни намоён этган ҳолда, мураккаб мавзуларда аниқ, батафсил, тўғри қурилган хабарлар туза оламан.
Мустақил билиш	B2	Мавҳум ва аниқ мавзулардаги мураккаб матнларнинг, шу жумладан тор ихтисосликка оид матнларнинг умумий мазмунини тушунаман. Шу тил вакиллари билан қийналмасдан доимий мулоқотда бўла оладиган даражада анча тез ва эркин гапираман. Турли мавзуларда аниқ ва батафсил хабарлар тузиш, ҳамда асосий мавзу юзасидан ўз фикримни баён этиш, турли фикрларнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб бериш қўлимдан келади.
	B1	Одатда иш, ўқиш, дам олиш ва бошқа жараёнларда бзага келадиган ва турли мавзуларда адабий тилда тузилган аниқ матнларнинг асосий мазмунини тушунаман. Тили ўрганилаётган мамлакатда бўлганимда юзага келадиган аксарият ҳолатларда мулоқот қила оламан. Ўзимга маълум бўлган ёки мени қизиқтирадиган мавзуларда ўзаро боғланган матнлар туза оламан. Ўз таассуротларимни, воқеа-ҳодисаларни, интилишларимни, орзу-умидларимни баён эта оламан, келажак борасидаги ўз режаларимни баён этиш ва асослаб бериш қўлимдан келади.
Оддий билиш	A2	Турмуш фаолиятининг асосий йўналишлари билан боғлиқ бўлган, кўп учрайдиган жумлалар ва алоҳида гапларни тушунаман (масалан, ўзим ва оила аъзоларим, харидлар, ишга жойлашиш ва бошқалар ҳақидаги асосий маълумотлар). Таниш ва маиший мавзуларда оддий ахборот алмашиш билан боғлиқ вазифаларни бажара оламан. Ўзим, оила аъзоларим ва яқинларим ҳақида оддий жумлаларда гапириб бериш, кундалик ҳаётимнинг асосий жиҳатларини баён этиш қўлимдан келади.
	A1	Аниқ бир вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўладиган таниш жумла ва гапларни тушунаман ва нутқда қўллай оламан. Ўзимни/бошқаларни таништириш, яшаш жойи, танишлар, мол-мулк борасида савол бериш/жавоб қайтариш қўлимдан келади. Сухбатдошим секин ва аниқ гапирса, ҳамда ёрдам беришга тайёр бўлса, мураккаб бўлмаган сухбатда иштирок эта оламан.

Ўқувчилар, ўқитувчилар ва бошқа фойдаланувчиларга аниқ мақсадлар танловида ёрдам бериш учун янада батафсилроқ таъриф бериш талаб этилиши мумкин. Уни олти даража бўйича тилни ўзлаштиришнинг асосий жиҳатларини акс эттирувчи алоҳида жадвал кўринишида тақдим этиш мумкин. 2-жадвал (ўз ўзини баҳолаш воситаси сифатида) олти даража асосида тузилган. Мазкур жадвал ёрдамида ўқувчилар ўзларининг тил билиш қобилиятларини аниқлаб олишлари, ҳамда ўз даражаларини аниқлаш учун дескрипторлар нисбатан батафсилроқ акс эттирилган қайси ўз ўзини баҳолаш варақасидан фойдаланишлари кераклигини ҳал қилиб олишлари мумкин.

Бошқа мақсадлар учун эса даражалар ва тоифаларнинг маълум бир тўпламига эътибор қаратиш керак бўлади. Аниқ мақсадлардан келиб чиқиб даражалар сони ва қўлланиладиган тоифаларни чеклаш даражалар ва тоифалар мазмунини баён этишни кенгайтириш ва аниқлаштириш имкониятини беради. Бундай деталлаштириш модулларни бир бири билан ҳамда умумевропа компетенциялари билан солиштириш имконини беради.

Нутқий фаолият асосини ташкил этадиган тоифаларни ажратиб кўрсатиш ўрнига, коммуникация компетенциясининг айрим жиҳатларига асосланиб тил муомаласини баҳолаш талаб этилиши ҳам мумкин. 3-жадвал сўзлашишни баҳолаш учун ишлаб чиқилган, шу боис у тилдан фойдаланишнинг мутлақо бошқа жиҳатларини қамраб олади.

3.4 Тасвирий дескрипторлар

Даражаларнинг умумевропа тизимини акс эттирувчи учта жадвал “тасвирий дескрипторлар” банки асосида тузилган бўлиб, улар В иловада баён этилган тадқиқот лойиҳаси жараёнида ишлаб чиқилган ва амалиётда текшириб кўрилган. Кейинчалик мазкур дескрипторлар, улар кўп миқдордаги ўқувчиларни баҳолаш жараёнида қай тарзда талқин этилганига қараб, тил билиш даражалари бўйича даражаларга бўлинган ва тақсимлаб чиқилган.

Фойдаланишни соддалаштириш учун дескрипторларнинг шкалалари 4 ва 5-бобларда баён этилган тасвирлаш схемаларининг асосий тоифалари билан мослаштирилган. Дескрипторлар тасвирлаш схемасининг қуйидаги учта метатоифалари билан мослаштирилган:

Коммуникатив фаолият

“Мен бажара оламан” кўринишидаги дескрипторлар фаолият ва нутқ оқибатининг интерактив шакллари тавсифлаш учун қўлланилади. Бир хил

дескрипторлар барча даражаларнинг ҳамма тоифалари билан мослаштирилиши мумкин эмас, чунки нутқий фаолиятнинг айрим турларини фақат тил билишнинг маълум бир даражасига эришгандан кейингина амалга ошириш мумкин бўлса, бошқа бир фаолият турлари нисбатан юқорироқ даражаларда мақсад сифатида қаралмайди ҳам

Стратегиялар

“Мен бажара оламан” кўринишидаги дескрипторлар коммуникатив фаолият жараёнида қўлланиладиган айрим стратегияларни таърифлаш учун қўлланилади. Стратегиялар ўқувчининг ресурслари (компетенциялари) ва ўқувчи уларнинг ёрдамида бажариши мумкин бўлган нарса (коммуникатив фаолият) ўртасидаги боғловчи занжир сифатида тушунилади. А) нутқий актни режалаштириш; Б) тил ресурсларини саралаш ва улар етарли бўлмаганда вазиятдан чиқишни излаш; В) натижаларни баҳолаш ва зарур ўзгаришларни киритиш принциплари 4-бобдаги интеракция (нутқий ўзаро муносабат) ва нутқ оиқбатлари стратегиялари масалаларига бағишланган бўлимларда баён этилган.

2-жадвал.

		А1	А2	В1
Тушуниш	Аудиров ание	Кундалик мулоқот жараёнида менинг ўзим, оилам ва яқинларим ҳақида сўз борган секин гапирилган ва аниқ эшитилган алоҳида таниш сўзлар ва жуда оддий жумлаларни тушунаман.	Мен учун муҳим бўлган мавзулардаги (масалан, ўзим ва оилам, харидлар, яшаш ва иш жойим ҳақидаги асосий маълумотлар) алоҳида жумлалар ва кенг қўлланиладиган сўзларни тушунаман. Оддий, аниқ талаффуз қилинган ва жаҳми у қадар катта бўлмаган хабар ва эълонларда сўз нима ҳақда бораётганини тушунаман.	Мен иш жойимда, мактабда, дам олиш пайтида ва бошқаларда дуч келадиган мавзуларда адабий тил қоидалари доирасида аниқ талаффуз қилинган фикрларнинг асосий мазмунини тушунаман. Кундалик воқеаларга бағишланган аксарият радио- ва теледастурларда, шунингдек менинг шахсий ва касбий қизиқишларим билан боғлиқ бўлган дастурларда гап нима ҳақда бораётганини тушунаман. Бунда

				сўзловчилар нисбатан секин ва аниқ гапиришлари керак.
	Ўқиш	Эълонлар, плакатлар ёки каталоглардаги ўзим учун таниш бўлган исмлар, сўзлар, шунингдек жуда оддий гапларни тушунаман.	Мен жуда қисқа оддий матнларни тушунаман. Мен кундалик мулоқотдаги оддий матнлар: рекламалар, прокпектлар, таомнома, жадваллардан аниқ, айтиб бериш осон бўлган маълумотни топа оламан. Шахсий характерга эга оддий хатларни тушунаман.	Мен кундалик ва касбий мулоқот тили материаллари асосига қурилган матнларни тушунаман. Шахсий характерга эга хатлардаги ходисалар, туйғулар, интилишлар баёнини тушунаман.
Сўзлаш	Диалог	Агар суҳбатдошим мениг илтимослимга кўра ўз фикрини шошмасдан такрорласа, ёки уни бошқача баён этса, шунингдек менга айтмоқчи бўлган фикримни баён этишда ёрдам берса, диалогда қатнашишим мумкин. Ўзимга таниш бўлган ёки	Менга таниш бўлган мавзу ва фаолият турлари бўйича бевосита ахборот алмашиш талаб этиладиган оддий ва оддий ҳолатларда мулоқот қила оламан. Маиший мавзуда нисбатан қисқача суҳбатга кириша оламан, аммо мустақил равишда мулоқот олиб бориш учун етарлича тушунмайман.	Тили ўрганилаётган мамлакатда бўлган пайтда юзага келадиган аксарият вазиятларда мулоқот қила оламан. Олдиндан тайёрланмасдан менга таниш бўлган/мени қизиқтирадиган мавзуларда (масалан, оила, кизиқиш, иш, саёхат, кундалик воқеалар)ги диалогларда қатнаша оламан.

		мени кизиқтирадиган мавзуларда оддий саволлар бериш ёки уларга жавоб қайтариш қўлимдан келади.		
	Монолог	Оддий жумла ва гаплардан фойдаланиб, ўзим яшадиган жой ва ўзим биладиган одамлар ҳақида сўзлаб бера оламан.	Оддий жумла ва гаплардан фойдаланиб, ўз оилам ва бошқа одамлар, турмуш шароитим, ўқишим, ҳозирги ёки аввалги ишим ҳақида сўзлаб бера оламан.	Шахсий таассуротларим, воқеалар ҳақида оддий жумлалар тузаман, ўз орзуларим, интилишларим ҳақида сўзлаб бера оламан. Ўз қараш ва интилишларимни қисқача баён этишим ва тушунтириб беришим мумкин. Воқеани сўзлаб бериш, ёки фильм ёхуд китоб сюжетини гапириб бериш, унга ўз муносабатимни билдириш қўлимдан келади.
Ёзув	Ёзув	Оддий откриткаларга (масалан, байрам билан табрик) ёзиш, формуляр тўлдириш, меҳмонхонадаги рўйхатга олиш варақасига ўз фамилиям, миллатим, манзилимни ёзиш	Қисқа оддий хат ва хабарларни ёза оламан. Шахсий характерга эга мураккаб бўлмаган хат (масалан, кимгадир нима учундир миннатдорчилик билдириш) ёзиш қўлимдан келади.	Менга таниш бўлган ёки мени кизиқтирган мавзуларда оддий боғланган матнлар туза оламан. Ўз туйғуларим ва таассуротларим акс этган шахсий характерга эга хат ёза оламан.

		қўлимдан келади.		
B2		C1		C2
<p>Агар маърузаларнинг мавзуси менга етарлича таниш бўлса, кенг қамровли маъруза ва нутқларни ҳамда уларда келтирилган хатто мураккаб бўлган далилларни ҳам тушунаман. Кундалик воқеалар ҳақидаги деярли барча янгилик ва репртажларни тушунаман. Қаҳрамонлари адабий тилда гапирадиган аксарият қильмларнинг мазмунини тушунаман.</p>		<p>Хатто ноаниқ мантиқий тузилишга эга бўлса ҳамда мазмуний боғланишлари етарлича тўғри келмаса ҳам, катта хабарларни тушунаман. Мен барча телевизион кўрсатув ва фильмларни деярли эркин тушунаман.</p>		<p>Бевосита ёки билвосита мулоқотда ҳар қандай сўзлашув нутқини эркин тушунаман. Агар мен тил вакили бўлган суҳбатдошим талаффузининг индивидуал ўзига хосликларини ўрганиш имконияти бўлса, у тез гапирса ҳам тушунаман.</p>
<p>Муаллифлари ўзига хос нуқтаи назарга эга бўлган замонавий муаммолар ҳақидаги мақола ва хабарларни тушунаман. Замонавий бадиий насрни тушунаман.</p>		<p>Мен катта ва мураккаб бадиий ва бадиий бўлмаган матнларни, уларнинг стилистик ўзига хосликларини тушунаман. Хатто менинг фаолият йўналишимга тааллуқли бўлмаса ҳам, катта ҳажмли махсус мақола ва техник қўлланмаларни ҳам тушунаман.</p>		<p>Мен барча турдаги матнларни, жумладан мавҳум характерга эга, композиция ёки тил жиҳатидан мураккаб бўлган матнларни: қўлланмаларни, йўриқномаларни, махсус мақолаларни ва бадиий асарларни эркин тушунаман.</p>

<p>Мен тайёргарликсиз ўрганилаётган тил вакили билан эркин мулоқотга кириша оламан. Ўзимга таниш бўлган муаммо юзасидан мунозарада фаол иштирок этиб, ўз нуқтаи назаримни асослаб бера ва ҳимоя қила оламан.</p>	<p>Мен ўз фикрларимни табиий равишда, сўзларни танлашда қийналмасдан баён эта оламан. Нутқим тил воситаларининг хилма хиллиги ҳамда касбий ва кундалик мулоқот жараёнида уларни қўллаш тўғрилиги билан ажралиб туради. Ўз фикрларимни тўғри тузиш ва тўғри баён этиш, шунингдек ҳар қандай суҳбатга киришиб кетиш қўлимдан келади.</p>	<p>Ҳар қандай суҳбат ва мунозарада эркин қатнаша оламан, турлича идиоматик ва сўзлашув ибораларини биламан. Тез фикр билдираман ва фикрни ҳар қандай маънода бера оламан. Тил воситаларидан фойдаланишда қийинчиликка дуч келсам, ўз фикримни атрофдагиларга сездирмасдан тезда бошқача тарзда баён эта оламан.</p>
<p>Ўзимни қизиқтирадиган кўплаб масалалар бўйича тушунарли ва батафсил фикр билдира оламан. Долзарб муаммо юзасидан ўз фикримни тарозига солган ҳолда тушунтириб бера оламан.</p>	<p>Мураккаб мавзуларни тушунарли ва батафсил тарзда баён эта, таркибий қисмларни бир бутун яхлитликда бирлаштира, айрим жиҳатларни ривожлантириб тегишли хулосалар чиқара оламан.</p>	<p>Мен вазиятдан келиб чиқиб тегишли тил воситаларидан фойдаланган ҳолда ўз фикримни эркин ва асосли тарзда баён эта оламан. Тингловчиларнинг диққатини тортиш ва улар энг муҳим жиҳатларни эслаб қолишларига кўмаклашиш учун ўз хабаримни мантикий жиҳатдан тўғри шакллантира оламан.</p>
<p>Ўзимни қизиқтирадиган масалалар юзасидан тушунарли ва батафсил хабар ёза оламан. Маълум мавзуда эссе ёки маъруза ёза оламан. Ўзим учун муҳим бўлган ҳодиса ва таассуротларни ажратиб кўрсатган ҳолда хат ёза оламан.</p>	<p>Ўз фикрларимни ёзма шаклда аниқ ва мантикий жиҳатдан тўғри баён эта оламан. Хатларда, асарларда, маърузаларда ўзим учун муҳим бўлган жиҳатларни ажратиб кўрсатган ҳолда мураккаб муаммоларни батафсил баён эта оламан. Назарда тутилган олувчига мос келадиган тил услубидан фойдалана оламан.</p>	<p>Зарур тил воситаларидан фойдаланган ҳолда ўз фикрларимни ёзма шаклда мантиқан ва кетма кет баён эта оламан. Аниқ мантикий тузилишга эга бўлган, олувчига муҳим жиҳатларни белгилаб қўйиш ва эслаб қолиш имкониятини берадиган мураккаб хат, ҳисобот, маъруза ёки мақолалар ёза оламан. Ҳам касбий характердаги ишларга, ҳам бадиий асарларга резюме ва тақризлар ёза оламан.</p>

3- жадвал.

	ДИАПАЗОН	АНИҚЛИК	РАВОНЛИК	ЎЗАРО АЛОҚА	БОҒЛАНГАНЛИК
C2	Икки ёқлама тушунишга йўл қўймаслик, маъно ва мазмунни аниқ етказиш учун турли нутқ шакллари ёрдамида ўз фикрларини баён этади. Шунингдек, идиоматик ва сўзлашув ибораларини яхши билади.	Хатто бутун диққати кейинги жумлаларини тузишга, суҳбатдошининг муносабатига қаратилган бўлса ҳам, мураккаб грамматик конструкцияларни тўғри тузишга ҳаракат қилади ва буни назорат қилиб боради.	Сўзлашув нутқи принципларига мос равишда узоқ вақт раво гаплаша олади; мураккаб ҳолатлардан қочади ёки улардан суҳбатдошига сездирмаган ҳолда чиқиб кетади.	Деярли қийналмасдан осон мулоқот қилади, оғзаки бўлмаган ва оҳангга оид сигналларни тушунади. Зарур пайтда шу пайтгача муҳокама қилинган ахборотга ёки суҳбат иштирокчиларига маълум бўлган бошқа маълумотларга таянган ҳолда қийналмасдан суҳбатга қўшилиб кета олади.	Нутқнинг хизмат қисмларидан, бошқа алоқа воситаларидан, катта миқдордаги турли туман ташкилий тузилмалардан тўғри ва ўз ўрнида фойдаланган ҳолда ташкилий жиҳатдан тўғри боғланган нутқ тузишни билади.
C1	Ўзини фикрлар мазмунидан чекламаган ҳолда катта миқдордаги мавзуларда (умумий, касбий, кундалик) эркин, раво тарзда ўз фикрларини баён этиш имконини берадиган тил воситаларини эгаллаган.	Доимий равишда грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга ҳаракат қилади; камдан кам хатога йўл қўяди ва улар деярли сезилмайди, ҳамда дарҳол тузатилади.	Деярли қийналмасдан эркин ва раво сўзлаша олади. Фақат ўзига нотаниш бўлган мураккаб мавзуда гап кетгандагина нутқининг раволиги ва табиийлиги сушлашиши мумкин.	Сўз олиш ҳамда сўзловчи позициясини ўзида сақлаб бориш воситаларидан зарур фикрларни танлаб, улардан фойдалана олади, шу орқали ўз сўзларини суҳбатдошларнинг фикрларига улаб юборади ва мавзу муҳокамасини даво эттиради.	Нутқнинг хизмат қисмлари, ташкилий тузилмалари ва бошқа боғлаш воситаларидан дадил фойдаланишини намоён этган ҳолда фикрларини аниқ, узмасдан, тўғри туза олади.
B2 +					
B2	Бирор нарсани баён этиш, умумий масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини билдириш учун етарли луғат бойлигига эга. Айрим мураккаб синтактик	Грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашни етарлича юқори даражада назорат қила олади. Суҳбатдош тушунмай қоладиган даражада	Нисбатан раво тарзда маълум давоийликдаги жумлаларни туза олади. Жумла ёки тил тузилмаларини танлашда иккиланиб қолиши мумкин,	Суҳбатни бошлаши, зарур пайтда суҳбатга қўшилиши, суҳбатни якунлаши мумкин, аммо баъзида бу ҳаракатлари қовушмай қолади. Танши мавзуда суҳбатга қўшилиши, шу орқали мавзу ўзига танишлигини билдириши, бошқаларни	Алоҳида жумлаларни ягона матнга бирлаштириш учун алоқа воситаларининг чекланган миқдоридан фойдаланиши мумкин. Шу

	тузилмалардан ҳам фойдалана олади.	хатоларга йўл қўймайди, аксарият хатоларини тўғрилаб кетади.	аммо нутқида узок вақт давом этадиган тўхталишлар у қадар кўп эмас.	ҳам суҳбатга тортиши мумкин.	билан бирга, суҳбат жараёнида мавзудан мавзуга “ўтиб кетиш” ҳолатлари ҳам кузатилади.
--	------------------------------------	--	---	------------------------------	---

B1+					
B1	Суҳбатда қатнашиш учун етарли бўлган тил билимларига эга; оила, қизиқишлар, иш, саёҳат ва кундалик воқеаларга оид мавзуларда қисқа тўхталишлар билан ўз фикрини баён этиш имконини берадиган сўз бойлигига эга.	Таниш, доимий равишда содир бўлиб турадиган вазиятлар боғлиқ бўлган тузилмалар тўпламидан тартибли фойдаланади.	Гарчи узун жумла ва гапларда грамматик ва лексик воситаларни топиш учун тўхталишлар кузатилса ҳам, фикрини тушунарли тарзда баён эта олади.	Агар мулоқот мавзуси ўзига таниш бўлса, яккама якка суҳбатни бошлаш, давом эттириш ва якунлаш қўлидан келади. Мавзунини тушунаётганини билдириш учун олдинги жумлаларни такрорлай олади.	Бир нечта қисқа ва оддий жумлаларни бир неча банддан иборат бир чизиқли матнга боғлай олади
A2+					
A2	Кундалик оддий вазиятларда чекланган хабарни етказиш учун ёдлаб олинган оддий синтактик тузилмалар, жумлалар ва стандарт сўзларни қўллайди.	Айрим оддий тузилмаларни тўғри қўллайди, аммо ҳали ҳам доимий равишда оддий хатоларга йўл қўяди.	Жуда қисқа жумла ва гапларда ўз фикрини тушунарли тарзда баён эта олади, аммо тузатишлар, гапни бошқача тузишга уриниш ҳолатлари кўзга ташланади.	Оддий фикрларга муносабат билдира, саволларга жавоб бера олади. Суҳбатдошининг фикрларини тинглаётганини, аммо мустақил равишда суҳбатга қўшилиш учун уни етарлича тушунмаётганини билдириши мумкин.	“Ва”, “аммо”, “чунки” каби боғловчилар ёрдамида сўз бирикмаларини ўзаро боғлай олади.

AI	Ўзи ҳақидаги маълумотларни баён этиш ва маълум бир хусусий вазиятларни таърифлаш учун хизмат қиладиган чекланган миқдордаги сўз бойлигига эга.	Ёдлаб олинган бир нечта оддий грамматик ва синтактик тузилмалардан фойдаланишни чекланган доирада назорат қилади.	Ёдлаб олинган сўзлардан тузилган қиска жумлаларни гапира олади. Керакли сўзни топиш, нотаниш сўзларин талаффуз қилиш, хатоларни тўғрилаш учун кўп тўхталади.	Шахсий мазмундаги саволлар бериш, ўзи ҳақида сўзлаб бериш қўлидан келади. Суҳбатдошининг сўзларига эътибор қаратиши мумкин, аммо мулоқот учун такрорлашлар, хатоларни тузатишлар зарур бўлади.	“Ва”, “сўнгра” каби боғловчилар ёрдамида сўзлар ва сўз бирикмаларини ўзаро боғлай олади.
----	--	---	--	--	--

Коммуникатив компетенциялар

Даражаланган дескрипторлар лингвистик, прагматик ва социолингвистик компетенциялар учун ишлаб чиқилган. Мазкур компетенцияларнинг айрим жиҳатлари олти даражанинг барчасида ажратиб кўрсатилиши мумкин эмас, шу боис шкалаларда керакли фарқлар қайд этилади.

Кўникмалар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун дескрипторлар яхлит ҳолда ифодаланиши керак; маълум бир босқичда ўзлаштирилиши зарур бўлган тил, грамматик шакллар ва луғат микрофункцияларининг нисбатан тўлиқ таърифи ҳар бир тил учун таснифлагичларда (масалан, “Бошланғич даража”, 1990) берилган. Коммуникация вазифаларини бажариш (коммуникация актини амалга ошириш) учун билиш зарур бўладиган тил тоифалари, грамматикаси ва луғат таркиби вазифаларининг таҳлили янги тил таснифлагичларининг яратилишига сабаб бўлиши мумкин. Умумий компетенциялар (масалан, дунё ҳақидаги билимлар, когнитив қобилиятлар) худди шу каби рўйхат тарзида берилиши мумкин.

4 ва 5-боблар матнларининг ва ушбу дескрипторларнинг солиштирилишидан қуйидагилар маълум бўлади:

- мазкур дескрипторлар тил билиш даражаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган турли ташкилотлар тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган;
- уларни ишлаб чиқиш 4 ва 5-бобларда келтирилган моделни яратиш билан параллел равишда олиб борилган ҳамда а) муаллифлар гуруҳининг назарий изланишлари; б) тил билишнинг мавжуд шкалалари таҳлили ҳамда в) ўқитувчилар иштирокида ўтказилган семинарлар натижалари асосида амалга оширилган. 4 ва 5-бобларда

келтирилган тоифалар мазкур дескрипторларда тўла акс этмаган бўлсада, уларда худди шундай кенг қамровли дескрипторларни ишлаб чиқиш мумкинлигига ишора мавжуд;

- дескрипторлар тил билишнинг куйидаги умумевропа даражалари билан мувофиқлаштирилади: А1 («Жон сақлаш»), А2 («Бошланғичгача»), В1 («Бошланғич»), В2 («Ривожланган бошланғич»), С1 («Профессионал даражада билиш»), С2 («Мукамал билиш»);

- улар А иловада белгилаб берилган дескрипторлар самарадорлигини баҳолаш мезонларига жавоб беради, чунки уларда таърифлар қисқа ва аниқ, шаклан позитив, аниқ шартларни баён этади ҳамда мустақил қимматга эга – дескрипторларни қабул қилиш ва тушуниш учун бошқа дескрипторларга мурожаат этиш шарт эмас;

- таърифларнинг шаффофлиги, дескрипторларнинг фойдали ва зарур эканлиги турли даражада педагогик малакага ва тил билишга эга бўлган, таълимнинг турли секторларида ишловчи шу тилда гаплашувчи ҳамда бу тилда гаплашмайдиган ўқитувчилар гуруҳлари томонидан эътироф этилган. Ўқитувчилар дескрипторларни, улар семинарларда минглаб мисолларни кўриб чиқиш асосида қандай шаклда яратилган бўлса, шу тарзда тушунишади;

- дескрипторлар ўқувчининг аниқ бир натижаларини (хорижий тилни ўрганиш соҳасида) белгилаш ҳамда ўрта таълим олиш, катта ёшда ўқиш жараёнида келгуси мақсадларни белгилаб олиш учун зарур;

- дескрипторлар (айрим ҳолатларни мустасно қилганда) ягона шкала доирасида «объектив тарзда даражаланган». Бунинг маъноси шуки, аксарият дескрипторларнинг жойлашган ўрни яратувчиларининг субъектив фикрига таяниб эмас, балки ўқувчиларнинг натижаларини баҳолаш билан талқин қилиш асосида белгиланган;

- дескрипторлар хорижий тилни билиш даражасини баҳолашнинг аниқ шакллантирилган мезонлари банкдан иборатдир. Бундай фонддан баҳолашнинг турли шкааларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, мезонлар шундай ифодаланганки, уларни ўқувчиларнинг натижаларини баҳолаш учун эмпирик тарзда ишлаб чиқилган маҳаллий тизимлар билан

мослаштириш ва ёки ушбу мезонлар асосида янги вазифалар комплексини ишлаб чиқиш мумкин.

Гарчи дескрипторларнинг мазкур комплекси кенг қамровли бўлмаса, шкалалар фақат хорижий тилларни ўрганишга (табiiйки, таълимнинг турли секторларидаги турли ёки бир нечта хорижий тилларга) оид бўлса ҳам, умуман олганда улар қуйидагилар билан изоҳланади:

- ўзгарувчанлик. Дескрипторларнинг айнан битта тўплами – биринчи ҳолатда – рушликондаги давлатлараро симпозиумда белгиланган, Европа Комиссиясининг DIALANG (С иловага қаранг) лойиҳасида, ҳамда ALTE (тиллар бўйича тестларни ишлаб чиқувчиларнинг Европа ассоциацияси) томонидан (D иловага қаранг) қўлланиладиган йирик “шартли даражалар” тарзида тақдим этилиши мумкин. Айни пайтнинг ўзида ана шу тўплам нисбатан майдароқ бўлган “педагогик даражалар” тарзида ҳам тақдим этилиши мумкин.

- мазмун жиҳатидан **боғланганлик**. Турли дескрипторлар таркибига кирувчи ўхшаш ва ўзаро мос келувчи элементлар аҳамияти жиҳатидан ҳам (шкаладаги жойлашган ўрнига кўра) ўхшаш бўлиб чиқди. Дескрипторларнинг шкаладаги жойлашган ўрнида манба-шкалалар, Европа Кенгаши рўйхатлари, шунингдек DIALANG' ва ALTE томонидан ишлаб чиқилган даражаларга нисбатан сезиларли изчиллик кўзга ташланади.

Наргис Қосимова таржимаси.